# Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Жаҳонгированинг «Ишонч» газетаси саволларига жавоблари

**- Дилбар Набиевна! Сиз ушбу масъулиятли вазифада иш бошлаганинггизга бир йилдан ошди. Ана шу муддат ичида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган одил ва оқил сиёсат туфайли мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида кўп йилларга татигулик муваффақиятларга эришилди. Бироқ, бозор шароити барча қатори касаба уюшмалари олдига ҳам янги, ўта масъулиятли талаблар қўймоқда, омилкорлик, изчиллик, қатъиятлик кўрсатиб ишлашни тақозо этмоқда. Хўш, меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари зиммасидаги оғир юкни кўтаришга қодирми?**

- Ҳар бир киши арзини эшитадиган ва иши битадиган жойга боради. Бизнинг эшикларимиз эса ҳамиша очиқ. Кези келганда таъкидлаш жоиз: биз ўз фаолиятимизни қабулимизда бўлган одамлар сонига қараб эмас, ўз ташрифидан қониқиш ҳосил қилган, мушкули осон бўлган одамлар сонига қараб баҳолашга одатланганмиз. Маълумотлар ҳам меҳнаткашларнинг ишончи ортиб бораётганлигини тасдиқлайди. Ўтган йили у ёки бу масала юзасидан Федерациямизга тушган арзномаларнинг аксарияти ижобий якун топди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро Уставда шундай деб ёзиб қўйилган: «Касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзоларини меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ақлий ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир».

Дарвоқе, ҳаракат бирлиги ҳақида. Ўтган бир йил касаба уюшмалари ташкилотларини мустаҳкамлаш ва бирлаштириш йили бўлди, десак муболаға бўлмас. Бу ҳаёт, ўзгараётган ва янгиланаётган замон тақозосидир. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, тарқоқлик ҳеч қачон мақсадлар муштараклигига ва турли шакл-шамойилга эга бўлган муаммолар ечимини мувофиқлаштириш, уйғунликка эришиш имконини бермайди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, республикамизда мавжуд ўн тўққизта касаба уюшма тармоғи ўрнига бугунга келиб, ўн бешта уюшма тармоғи фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, вилоят ва туман қўмиталарини қисқартириш жараёни давом этмоқда. Боз устига бозор иқтисодиёти шароити касаба уюшмалари олдига янги-янги талабларни қўяётганлигини ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик лавозимларига ғайратли, билимдон, изланувчан ёшларни жалб этмоқдамиз. Энг муҳими, касаба уюшмаларининг барча бўғинларида ички интизом мустаҳкамланишига, уларнинг яхлит бир организм сингари ҳаракатланишига, бошқача қилиб айтганда, касаба уюшмалари тизимида федерализм тамойили таркиб топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишни осонлаштиради, айни вақтда касаба уюшмалари нуфузини ортишига ҳам хизмат қилади.

**- Бозор иқтисодиёти нафақат турмушимизга, шунингдек дунёқарашимизга ҳам муҳрини босмоқда. Очиғини айтганда, эндиликда биз ўз меҳнатимизни қандайдир мезонларга қиёсан баҳолашни ўрганиб олдик.Баъзи фуқароларимиз қаерда кўпроқ маош берса, ўша ёққа интилишмоқда. Меҳнат шароити, ижтимоий муҳофаза, техника хавфсизлиги сингари муҳим жиҳатлар иккинчи даражали нарсалар сирасига айланиб бораётгани кишини ғоят ташвишга солади. Бу масалада касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг фикри қандай?**

- Чамаси бу ерда гап нодавлат сектордаги аҳвол ҳақида кетаётир. Дарҳақиқат нодавлат секторнинг иқтисодиётда тутган ўрни катта ва бу жараён йил сайин жадаллашиб бормоқда. Бугунга келиб республикамизда мулкнинг нодавлат шаклига эга бўлган 162 мингдан зиёд хўжалик субъекти фаолият кўрсатаётир. Бу умумий миқдорнинг 88 фоизини ташкил этади. Улардан 85 минги (ёки 46 фоиздан кўпроғи) хусусий, 72 минги жамоаники. Хорижий инвестиция билан фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳам талайгина. Қишлоқ хўжалигида қарийб 24 минг фермер хўжалиги рўйхатдан ўтган, улар 445 минг гектардан кўпроқ майдонда меҳнат қилишмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ялпи ички маҳсулотнинг 59 фоизи, саноат маҳсулотининг 64 фоизи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98 фоизидан кўпроғи, чакана товар айланишининг 95 фоиздан зиёд қисми нодавлат секторга тегишлидир.

Бироқ, биз учун энг муҳими бу иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 73 фоизи ёхуд 6 миллиондан кўпроқ киши нодавлат секторда ишлаётганлигидир. Савол туғилади: касаба уюшмаларининг бу сектордаги ҳимоячилик вазифаси қандай, улар ўз юмушларини зарур даражада уддалай оляптиларми?

Бугунги кунда хорижий инвестициялар билан фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 22 фоизида касаба уюшмалари ташкилотлари тузилган холос. Бу биз ушбу йўналишда иш бошлаган 1997 йилга нисбатан қарийб икки баравар кўп. Ўтган йили хусусан, «Кабул Тўйтепа текстайл», «Самарқанд - Прага» ва бошқа бир қатор йирик қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотларини тузишга муваффақ бўлинди. Шунга қарамай эришилган натижалар асло бизни қониқтирмайди. «Зарафшон - Ньюмонт», Самарқанд тамаки фабрикаси - «УзБАТ АО», «Сурхон Аджанта Фарма Лимитед» ва бошқа бир қанча йирик қўшма корхоналарда ҳамон касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Нодавлат секторнинг қанчадан-қанча корхоналарида касаба уюшма ташкилотлари йўқ. Бу корхоналарда меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси қандай амалга оширилаётир? Ушбу саволларга ким кўнгилга таскин берарли жавоб қила олади?

Очиғи, касаба уюшмалари кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам етарли даражада тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди. Кичик ва ўрта бизнес билан машғул бўлган субъектларнинг бор-йўғи 28 фоизида касаба уюшмаларининг иштироки таъминланган, ушбу секторда меҳнат қилаётганларнинг 250 мингдан сал кўпроғи касаба уюшмаси аъзоси холос.

Ишчи гуруҳимиз мазкур масалани ўрганиш асносида айрим касаба уюшма органлари ўз фаолиятларидаги камчилик ва нуқсонларни яшириш учун эски иллат - қўшиб ёзишдан ҳам таб тортмаганликларига шоҳид бўлдилар. Баъзи қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилоти тузилмаганлигига қарамай, йўқни бор қилиб, маълумотномага тиркаб қўйганлар. Бундай кўзбўямачиликдан кимга фойда-ю, кимга зиён?

Шунингдек, айрим касаба уюшма органлари касаба уюшма ташкилоти тузилмаган қўшма корхона ходимларидан ҳудудий касаба уюшма органлари фойдасига бадал ушлаб қолишни одат қилганликларига нима дейсиз? Биз бу масалага жиддий ёндошдик. Меҳнаткашлар нонини туя қилишларига, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топташларга қарши муросасиз курашаверамиз.

**- Шу ўринда жамоа шартномаларининг аҳамияти ва унинг меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинмаслигининг ишончли кафолати эканлиги ёдга тушади.**

- Давр жамоа шартномаларига янгича ёндошиш лозимлигини исботламоқда. Ушбу ҳужжатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, олинган даромадни меҳнаткашлар иштирокида тақсимлаш, хавфсиз иш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот тури янгиланган ҳолларда, мулк шакли ўзгарганда ёки корхона банкротга учраганда ижтимоий кафолатлар масалаларига эътиборни кучайтириш зарур.

Таассуфки, бир қатор корхоналарда, айниқса, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида иш берувчи билан ёлланма ишчи ўртасида меҳнат шартномалари расмийлаштирилмаяпти. Техника хавфсизлигининг оддий талабларига ҳам риоя этилмаётир. Ёлланма ишчи иш берувчи олдида умуман ҳимоясиз бўлиб қолмоқда. Нодавлат сектордаги 3400 дан зиёд касаба уюшма ташкилотларида ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатлари жамоа шартномаси орқали ҳал этилмаганлиги шак-шубҳасиз, ёлланма ишчилар ҳақ-ҳуқуқларининг камситилишига олиб боради. Ҳар бир йирик корхонада жамоа шартномасининг тузилмаслигини фавқулодда ҳолат, деб баҳоламоқ керак.

Шу ўринда айрим иш берувчилар жамоа шартномаларини тузишдан бўйин товлаётганликларини айтиб ўтмоқчиман. Уларнинг назарида жамоа шартномаси фақат ходимлар учун имтиёзлар яратиб, раҳбарга эса ортиқча ташвиш келтирадиган ҳужжат бўлиб кўринмоқда. Бу - узоқни кўзлай олмайдиган раҳбарларнинг фикридир. Чунки, меҳнат муносабатларида бир қатор масалалар борки, уларни фақатгина жамоа шартномалари ёхуд касаба уюшма қўмиталари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатлар орқали тартибга солиш мумкиндир. Меҳнат қонунчилиги ҳам шуни тақозо этади.

Шу билан бирга, ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, санацияга тушган ва банкротлик даражасига етиб қолган корхона меҳнатчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги йўриқларимизни қайта кўриб чиқишимиз зарур. Иш ҳақининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, иш жойларини сақлаб қолиш, соғлом ҳамда хавфсиз иш шароитларини яратиш касаба уюшмаларининг кундалик вазифасига айланмоғи даркор. Шундагина меҳнаткашлар касаба уюшмаларига ўз ҳимоячиси деб қарайди, унга ишонади ва эргашади.

**- Жамоа шартномалари ва битимларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб ва масъуллятли жараён бўлиб, унда касаба уюшмалари музокаралар олиб боришнинг қандай тамойилларига асосланиб иш юритадилар?**

- Касаба уюшмалар фаолияти негизида ижтимоий шерикчилик тамойили асос қилиб олинган. Айтиш лозимки, мазкур касаба уюшма мафкурасининг шаклланиши жамиятнинг барча қатламларини бирлаштирувчи миллий истиқлол мафкураси орқали амалга ошади. Касаба уюшма ҳаракати айни пайтда ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишдан бозорнинг бошқа субъектлари билан тенг ҳамкорлик қилиш йўналишида ислоҳ қилинмоқда.

Ижтимоий шерикчилик мафкураси, вазифа ва мақсадларини амалга ошира бориб, касаба уюшмалари меҳнат жамоаларида ягона оммавий ташкилот бўлиб қолмоқдалар. Бир томондан улар меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя этишлари, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришни нормал даражада кетишида бозор талаби ва рақобатига мослашишда ижтимоий шерикчиликни амалга оширишлари зарур.

Бундан келиб чиқадики, меҳнат қийматини белгилаш масаласида биз ҳар доим ижтимоий шериклар манфаатлари мувозанатини излашимиз зарур.

Манфаатларни аниқ фарқлай билиш, уларни навбатма-навбат амалга ошириш - ижтимоий шериклар манфаатлари бутун тизимини уйғун қўшиб олиб бориш учун асос бўлади.

Айни вақтда ижтимоий шерикчиликнинг қарор топиши, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини ошириш, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашда давлат билан ўзаро муносабат услублари ва воситаларини танлаш устувор йўналиш бўлиб қолиши керак. Бинобарин, ижтимоий шерикчилик тамойили ҳамма даражадаги музокараларни моҳирона олиб боришни тақозо этади. Бу эса касаба уюшма раҳбарларидан интеллектуал қобилият ва муомала қила билиш санъатини талаб қилади.

Иш ҳақи юқори бўлиши учун юксак унумли меҳнат бўлиши керакки, бу эса ишчи синфидан юксак касб маҳоратини талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси инсонларни ижтимоий ҳимоя қилишда энг кам миқдордаги ҳаётий стандартлар тизимини ишлаб чиқишда, ходимларни иш билан таъминлашда ва аҳоли қатламлари ўртасида мулкий табақаланишни камайтириш сиёсатини ўтказишда энг яхши восита бўлиб хизмат қилади.

**- Касаба уюшма аъзоси бўлиш ихтиёрийдир. У муайян имтиёзлар билан бир қаторда кишига мажбурият ҳам юклайди. Шундай мажбуриятлардан бири бу ой сайин тўланадиган аъзолик бадалидир. Ушбу бадаллар қандай тақсимланади ва қандай мақсадларга сарфланади?**

- Ўринли савол. Ижтимоий шерикчилик асосида иш кўрувчи, бозор муносабатлари кенг тус олган мамлакатлар касаба уюшмаларининг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда Ҳамдўстлик мамлакатлари касаба уюшмалари структуралари ўртасида аъзолик бадалларини тақсимлашнинг ҳозир амал қилаётган тартибидан тамоман фарқ қилади. Масалан, Данияда аъзолик бадалларининг 64 фоизи ишсизлик жамғармасига ўтказилади, 13 фоизи бўғиндаги муҳтожларга берилади, қолган 23 фоизи миллий тармоқ касаба уюшмаси ва конфедерациясига қолдирилади. Япония, АҚШ, Германия, Франция, Туркия ва бошқа давлатларнинг касаба уюшма ташкилотларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Жаҳон тажрибаси биз ҳам ўзимизда янги молиявий фаолиятни жорий этишимизни тақозо этмоқда. Чунончи, маблағлар ўқув соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш, касаба уюшмалари кадрларини тайёрлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш, ахборот тизимини тузиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш каби ўта муҳим ишларга сарфланиши керак. Наинки, касаба уюшмалари раҳбарлари иш берувчилар сингари иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни чуқур идрок эта билишлари лозим. Бу ҳозирги замон талабидир.

Ҳурматли Президентимиз вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувида айтганларидек «Илм олиш, ўрганиш асло айб эмас, унинг эрта кечи йўқ. Барчамиз бутун онгли ҳаётимиз давомида ўқишимиз, ўрганишимиз керак». Бу фикр нақадар чуқур ва долзарб эканлигини касаба уюшма кадрларимиз мисолида кўришингиз мумкин. Чунки бугунги кунда фаолларимизнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимлари савиясини етарли деб бўлмайди. Уларнинг тафаккурини ўзгартириш, дунёқарашини кенгайтириш, боқимандалик кайфиятларидан халос этиш учун кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабидан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ўқитиш тизимини барпо этишимиз лозим.

Республика касаба уюшмаларининг ҳозирги муҳим вазифаларидан яна бири мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури лойиҳасининг аҳамиятини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Таъкидланганидек, халқимизга замон талаблари даражасида кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан соҳани жаҳон андозалари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишга боғликдир. Мазкур дастур бу борада муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

**- Дилбар Набиевна! Муҳтарам Президентимиз томонидан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди. Бу ҳур Ўзбекистонимиз хотин-қизларига кўрсатилаётган юксак эъзоз, ҳурмат, меҳр-муҳаббат намунасидир. Сиз ҳам ана шундай эҳтиромга мушаррафсиз. Хусусан, Олий Мажлис депутати сифатида умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиш, қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этяпсиз. Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси касаба уюшмалари фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Шу хусусдаги фикрингиз?**

- Мазкур қонун лойиҳаси ҳурматли Президентимиз халқ депутатлари Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида алоҳида таъкидлаган: кенг жамоатчиликнинг жамият ҳаётига таъсирини кучайтириш, унинг роли, ваколати, ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва пировард натижада унинг тўла мустақиллигини таъминлаш борасидаги кўрсатмаларини рўёбга чиқариш имконини беради.

Зеро, касаба уюшмалари халқимиз кайфияти, фикри, манфаатларини ифодалайдиган энг оммавий ташкилотдир. Муҳими, қонун лойиҳаси республика касаба уюшмаларининг давлат ва нодавлат идоралари билан алоқасини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлади.

Касаба уюшмаларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан аҳолини маънавий ва жисмоний тарбиялашдаги, адресли ёрдам кўрсатишдаги ўзаро ҳамкорликлари масаласини таҳлил қилиб чиқишимиз керак.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли институти билан алоқа йўлга қўйилмоқда. Касаба уюшмалари қонуний ташаббус кўрсатиш имкониятига эга бўлган Парламент омбудсмани имкониятларидан фаол фойдаланишлари керак. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қўшма дастур тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Биз меҳнат муносабатлари борасида меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя этувчи Конституцион, Олий судлар билан алоқани янада мустаҳкамлашимиз зарур. Меҳнат вазирлиги органлари, «Нуроний», «Камолот», «Маҳалла» республика жамғармалари билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз даркор.

Хотин-қизларни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Давлатмиз раҳбари Конституция кунига бағишланган тантанали мажлисда жумладан шундай дедилар: «Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маъданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади».

Ҳа, аёлларнинг аҳволини яхшиламасдан, уларнинг жамиятдаги статусини оширмасдан туриб ҳақиқий демократик ривожланишни юзага келтириб бўлмайди.

Давр масъулияти, шу кун талабини чуқур ҳис этаётган касаба уюшмаларининг барча бўғинлари, уларнинг етакчилари иш берувчилар билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатадилар. Иқтисодий, ҳуқуқий билимлар ишга солиниб, фаолиятнинг янги шакл ва усулларини такомиллаштириш масалалари яқинда бўлиб ўтадиган кенгашимизнинг олтинчи мажлисида чуқур танқидий руҳда кўриб чиқилиб, бу долзарб масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Фурсатдан фойдаланиб меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячилари — касаба уюшмалари вакилларини, севимли Ватанимиз фуқароларини Ийд Рамазон билан муборакбод этаман!



***Дилмурод Мамадалиевнинг касби тракторчи. Поп туманидаги «Поп» ширкатлар уюшмасида меҳнат қилади. У шу касб орқали эътибор қозонди.***

Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

***Тўхтасин Жалилов номидаги Самарқанд мусиқа мактаби 30 йиллик иш тажрибасига эга. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сувон Усмонов раҳбарлик қилмоқда.***

Суратда: ўқитувчи Ирина Ларенц шогирди Азиза Усмонова билан машғулот ўтказмоқда.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.



